



TOSHKENT HAQIQATI

Эркин нархда сотилади

Хушхабарлар

Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 июнь.

«Қизил шалла» ва «Истиқлол» ширкат ҳужа-ликларида эса гектари-дан 42-44 центнердан хирмон уйилмоқда. Бу эса тўмдана оила пуд-пайта эса ҳосилдан бўшган майдонлар-пешма-пеш ҳайдалиб маккажўхори, картош-ка ва бошқа सबзавот экин-лари экилмоқда.

«Дўстлик»... «Дўстлик»... дея
янграётган ҳайқириқлари ўйинчи-
ларни бир оз ҳаяжонга солиш
тенглашди. Аммо Жаъфар Ирис-
метовнинг тўпурарлик маҳорати
яна иш берди. У 66-дақиқада
«Дўстлик» жамоасига биллур с
вринни топширмоқда.

Д.МИХАЙЛОВ олган сурат

Яна бир масала: бу жойларда мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг муносабатлари тўғрисидаги маълумотларнинг кўпчилиги меъёрий ҳуқуқларнинг бузилиш ва тўғри эмаслиги, дефакто тавдидидати нотик. — Биз бу масалаларда ҳам қатъиятлик бўлишимиз керак. Чунки ҳалқ ишончини йўқотидан эълози н азарида қолишдан қурилиқ фojeа йўқ. Мен бунн ҳоқимлик ва юқори ташкилотларга келаятган қўлбат хат, шикоят ва аризаларга таянган ҳолда йўқ таямбан. Бу сўзсиз ҳоқимият вақилик органлари фаолиятида туб ўзгаришлар қилишни талаб этади.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси президенти Зокиржон Алматов «Дўстлик» жамоасига биллур совринни топширмоқда.

Д.МИХАЙЛОВ олган сурат.

иуқолгаалиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

20.05 «Санъат олами».

«МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ»

Киночилар уйда «Мустақиллик майдони» ҳужжат-ли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Юртимиз истиклолининг тўққиз йиллик байрамига ўзига хос тўхфа бўлган ушбу фильмда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Исмоил Каримов раҳнамолигида юритилаётган одилона сиёсат, мамлакатимиз раънақи

йўлидаги эзгу сазй-ҳаракатлар, республикамиз қисқа вақт ичида барча соҳада қўлга киритган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильмда, шунингдек, 1999 йилнинг 16 февралда юрт мустақиллиги, халқ оқоийшталлигига пўтур

етказишдек шум ниятда содир этилган қонли воқеалар тафсилоти орқали динни никоб қилиб олган террорчиларнинг асл қиёфаси ҳам фош қилинган.

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр Шўҳрат Маҳмудовнинг ушбу фильми томошабинларда катта қизиқиш уйғотади.

Ў.А.

СОВГА

Наимжоннинг фермага келганига ҳам 10 йилдан ошди. «Умр ўтгани ўтган, бу ёқда қизлари ҳам бўй тортиб қолишибди. Жойи чикса, оқ фотиҳа бериш керак». Шу хаёллар оғушида дала йўлида келатган Наймжоннинг кўзи бетон ариқ томон кетаётган типратиконга тушди. Машинанинг тормози гийқиллашиб билан жонивор гўжанак бўлиб олди. Наймжон жониворни челаққа жойлаштириб, машинасини ўт олдири-

ди. Типратикан уйларига келганларидагина тугмадек қора тумшугини чиқариб, янги жой билан таниша бошлади. Кечга яқин типратикани сўямиз деган гапни эшитиб, катта кизи Адиба уни ўз хонасига беркитиб қўйди. Эрталаб қараса йўқ. «Менга билдирмай сўйишдимикан», деб юғриб ошхонага кирди. Онаси бепарвогина: «Қизим, ўқишга кеч қолаясан, тез нонушта қила қол», деди. Ҳеч қаердан топа олмаган Адиба, ўқишга ҳам бормай, қўшни-

Kampa

ларидан сўраб-суриштирди. Бора-бора бу воқеа унут бўла бошлади.

Адибанинг туғилган куниди меҳмонхонадаги телевизион бошқа хонага қўчиришди. Бирварақай тахмондаги кўрпаларни шамоллата қолай деган Фароғат ая бирдан вишиллаган товуш эшитди.

Бехосдан қичқириб юборган Адибанинг овозини эшитган бобоси ҳам ҳовлидан юғриб келди. Ҳамма кўрпаларни туширишди, ги-

ламни суришган эди, не кўз билан қўришсинки, қора тумшугини чиқариб, иккита мунчоқ кўзларини миллиллатиб типратикан турар эди. Адибанинг кувончи чексиз эди. Типратикан соғ-омон экан.

Адиба кулиб: «Туғилган кунимга энг яхши совға бўлди», деди. Ҳозир Адиба-ларнинг ҳовлисида типратиканларнинг бутун бошли бир оиласи яшайди.

Яхё СОБИРҲОНОВ, Ваҳобжон ТОЖИЕВ.

«НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН»

Ўзбекистон Бадий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида иккитидорли ёш мусавви-ларнинг «Навқирон Ўзбекистон» деб номланган кўргазмаси очилди.

Бадий академиянинг ёш ижодкорлар уюшмаси томонидан махсус танлаб олинган уч юзга яқин асардан иборат мазкур кўргазмани ёш истеъдо-ларнинг ўзига хос ижодий ҳисоботи деса бўлади. Чўнки унда санъат асар-ларига эмас, балки халқ амалии санъатининг ку-лолчилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги синга-ри турлари бўйича ҳам ижод намуналари ўрин олган. Кўргазмада шунингдек, Бадий Акаде-мия тасарруфидида Камо-лидин Бехзод номли таъсирли санъат ва дизайн институти ҳамда респу-блика рассомлик коллежи битирувчиларининг энг яхши деб топишган дипло-м ишлари ҳам намойиш этилмоқда.

«Навқирон Ўзбекистон» кўргазмаси 10 июлгача давом этади.

Назозат УСМОНОВА, Ў.А. мухбири.

РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Электр алоқаси асосий хизмат турларининг тарифлари 18 ой давомида ўзгармади. Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва янгилаш, улардан бир маромда фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида «Халқаро телеком» ҳамда «Маҳаллий телеком» акциядорлик компанияларининг тарифларни ўзгартириш ҳақидаги таклифи қабул қилинди ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг 2000 йил 21 июндаги 213-бўйруғи билан Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 10 июлдан электр алоқаси корхоналарининг айрим хизмат турларига янги тарифлар жорий этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА ТАРИФЛАР

ТЕЛЕГРАММАГА ТАРИФЛАР: корхона ва аҳоли учун аввалги тарифлар сақлаб қолинди. ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ АСОСИЙ ТУРЛАРИГА ТАРИФЛАР

Хизмат турлари	Бир дақиқа сўзлашув учун тўлов миқдори – сўм	
	корхона	аҳоли
Республика доирасида масофасига қараб телефон сўзлашувлари:		
300 км. гача	12,0	6,0
300 км.дан ортиқ	24,0	12,0
Хонадон ва меҳмонхона телефонларида кредитга сўзлашув учун ҳар бир сўзлашувга қўйишга ҳақ олинади:		14,0
Шаҳарлараро телефон станциясига уланган тўғридан-тўғри телефон учун абонентлик тўлови – 1 ойга	900,0	

ШОШИЛИНЧ ТАРИФЛАР БЎЙИЧА СЎЗЛАШУВ УЧУН УЧ ҲИССА МИҚДОРИДА ҲАҚ ОЛИНАДИ

ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ ХИЗМАТИ ТАРИФЛАРИ

ХАЛҚАРО ТЕЛЕГРАММАЛАРГА ТАРИФЛАР	Ҳар бир сўз учун тўлов миқдори-сўм	
	оддий	шошилинч
Марказий Осиё (Тожикистон, Туркманистон, Қўзғоистон, Қирғизистон) Беларус, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбойжон	26,0	52,0
Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия	59,0	118,0

ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ ХИЗМАТИ

Марказий Осиё, Россия, Украина, Беларус,	75,0
Молдова, Арманистон	
Грузия, Озарбойжон	100,0
Европа	300,0
Осиё	360,0
Америка, Африка	300,0
Австралия	375,0

ШОШИЛИНЧ ТАРИФЛАР БЎЙИЧА СЎЗЛАШУВ УЧУН ИККИ ҲИССА МИҚДОРИДА ҲАҚ ОЛИНАДИ

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТАРИФЛАР

Хизмат турлари	Телефон тармоқлари учун ҳақ миқдори-сўм	
	Муассасалар	Аҳоли
Хўжалик ҳисоби	Бюджет	
Сўзлашувга ҳақ тўловнинг шартли тўлиғига ўқатилган	Сўзлашувга ҳақ тўловнинг шартли тўлиғига ўқатилган	Сўзлашувга ҳақ тўловнинг шартли тўлиғига ўқатилган
Вактбай тўлов-шартлари ва тарифлар ўзгармай қолди	0,50	0,50

Абонентнинг ойига 180 дақиқа миқдорида белгиланган дақиқадан ва белгиланган абонентлик тўловидан ортиқча сўзлашган ҳар бир тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган дақиқа учун.

Изоҳ: 01, 02, 03, 04 махсус хизматлар билан сўзлашиш, шунингдек, МТСнинг буюртма хизмати билан боғланганлик учун вақтбай ҳақ олинмайди.

Эслаб ўтамиз!

Илгари жорий этилган қўшимча имтиёзлар сақлаб қолинди. Чунончи, қуйидагилардан рўйхатга олиш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ҳақ олинади: умумий фойдаланишдаги телефон тармоқларининг илгиридан абоненти бўлган шахслардан, фуқаролар уруши ва 1941–1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан, уруш даврида қарбий хизматда бўлган партизан, қарбий хизматчи ва эркин ёлланганлардан, 1- ва 2-группа меҳнат ногиронларидан, болаликдан ногиронлардан, Байналмилал жангчилар, Чернобыль ҳалокатини бартараф этиш иштирокчиларидан.

1941–1945 йиллардаги уруш ногиронларидан, ногирон байналмилал жангчилардан, Чернобыль ҳалокатини бартараф этиш иштирокчилари бўлган ногиронлардан ҳақ олинмайди.

Эслаб ўтамиз! Телефондан фойдаланиш ҳақи бўйича 1997 йили жорий этилган имтиёзлар сақлаб қолинади. Чунончи, 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари, ногирон байналмилал жангчилар, Чернобыль ҳалокатини бартараф этишда қатнашиб ногирон бўлиб қолганлар, биринчи гуруҳ ногиронлари, 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари телефон аппарати учун ойлик абонентлик ҳақининг 50 фоизини тўлайдилар. Қуйидагилар телефон аппарати учун тўловдан тўла озод этилади: қариялар ва ақлий заифлар уйлари, болалар уйлари ва болалар мактаб-интернатлари (ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган).

Диққат!

Янги имтиёзлар жорий этилади: шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқларида сўзлашув учун вақтбай ҳақ қамайтирилади: соат 22.00дан 07.00гача сўзлашув учун 10 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси ичкарида шаҳарлараро телефон сўзлашувлари учун ҳақ қамайтирилади: иш кунлари соат 22.00дан 07.00гача – 15 фоиз; шанба, яшанба ва байрам кунлари соат 22.00дан 07.00гача – 20 фоиз.

Телефондан фойдаланганлик (абонентлик) ҳақи олдиндан тўлаб қўйишга чегирма жорий этилади: ташкилот ва фуқаролар учун: бир йил олдиндан тўланса – амалдаги абонентлик тўловининг 10 фоизи, тўққиз ойга – 8 фоизи, олти ойга – 6 фоизи, уч ойга – 3 фоизи.

Тарифларнинг тўла рўйхати ҳамма электр алоқаси корхоналарида бор.

Электр алоқаси хизматларидан фойдаланиш!

Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг!

«Тошкент-Телеком» ВАЖ.

Биласизми?

МИЛЛИОНЕР ФУТБОЛЧИЛАР

Ҳар бир соҳада бўлгани каби футбол майдонида ажиб маҳорат билан тўп сурадиган уйинчиларнинг бойваччалари ҳам бор. Бу борада биринчи ўринда италиялик Алессандро дел Пьеро туради. У бир йилда «Ювентус» сафида ўйнаб, 11 миллион доллар даромад қилар экан. Милан шаҳридаги «Интер» жамоасининг ҳужумчиси бразилиялик Рональдо эса 9,2 миллион доллар олар экан. Учинчи ўрин ҳам «Интер»нинг тўпурари Кристиан Вьерига тааллуқли. Унинг даромади 6,5 миллионга етади. Туртинчи ўринда «Манчестер» клубининг ҳужумчиси Давид Бекхем туради. У 6 миллион доллар ишлар экан.

САЙЁРАМИЗ ФАХРИ

Жаҳоний мерос деган сўзни қандай шарҳлайсиз? Бу буюк маданият ва табиий қадриятларни яратиш, уни инсониятнинг ахрлмас бир қисмига айлантириш демакдир. 1972 йилда ЮНЕСКОнинг Бош анжумани Бутунжаҳон маданият ва табиий мероси муҳофаза қилиш Конвенциясини қабул қилди. Бу Конвенция 123 мамлакатда қучга кирди. Бу давлатлар ҳар икки йилда бир марта Умумжаҳон мероси қўмитасини сайлайдилар. Қўмита ўз навбатида юқоридаги 123 давлат ҳудудидида жойлашган нодир ёдгорликларни рўйхатга олади ва ўрганади.

1992 йилда жаҳоннинг 80 мамлакатидида 360та ноёб мерос борлиғи рўйхатларда қайд этилди. Бу машҳур жаҳон Некропол ва Мемфис харобалари, Гизо районидидаги эҳромлар, Фива (Миср), Афинадаги Акропол, Буюк Британиядаги Вестминстер саройи, Версал ва Фонтенблоннинг қаср ва боғлари, Москва Кремли, София собори, Тож Махал, АҚШдаги Озодлик ҳайкали, бизнинг Самарқанд, Венеция, Ватикан ёдгорликларидир. Улар орасида Дамашк, Истамбул, Байкал қўли, Килиманджаро тоғлари ҳам бор.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатхиддин
МУХИДДИНОВ

Маълумот:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

● Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиги учун ре-клама ва эълон берувчилар масъулдир.